



КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИДА РАҚОБАТ ВА ИХТИСОСЛАШУВ ДАРАЖАСИНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ

Шарипов Кувондик Бахтиёрович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Фундаментал иқтисодиёт кафедраси
докторанти (DSc), PhD, доцент в.б.

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss6/a43

Аннотация. Ушбу мақолада тадбиркорлик фаолиятида тармоқ бўйича ихтисослашув жараёнларига оид назарий асослар, минтақа тармоқ ихтисослашуви кўрсаткичларини баҳолаш услуги, В.М.Рябцев индекси, кичик, ўрта ва яқка тартибдаги тадбиркорлик ходимлари сони бўйича маҳаллийлашув коэффициенти, монопол ҳукмронликни баҳолаш учун Херфиндал-Хиршман индекси, тармоқлараро рақобат, эркин рақобат, фойда меъёри, тармоқдаги рақобатни кучайтириш жиҳатидан кичик бизнес корхоналарининг ихтисослашув даражасини ошириш йўналишларини аниқлаш услуги ёритилган.

Калит сўзлар: кичик бизнес, ихтисослашув, тармоқ, рақобат, тармоқлараро рақобат, монополлашув ҳукмронлик, фойда меъёри, самарадорлик.

ВЗАИМОСВЯЗЬ КОНКУРЕНЦИИ И СТЕПЕНИ СПЕЦИАЛИЗАЦИИ НА ПРЕДПРИЯТИЯХ МАЛОГО БИЗНЕСА

Шарипов Кувондик Бахтиёрович

Докторант (DSc), PhD, доцент кафедрa
"Фундаментальной экономики"

Ташкентского государственного экономического университета

Аннотация. В данной статье рассмотрены теоретические основы процессов отраслевой специализации в предпринимательской деятельности, методика оценки показателей региональной отраслевой специализации, индекс В.М.Рябцева, коэффициент локализации по численности занятых малых, средних и самостоятельных предприятий занятые предприниматели, индекс Херфиндала-Хиршмана для оценки монопольной власти, межотраслевая конкуренция, выделен метод определения направлений повышения уровня специализации предприятий малого бизнеса в условиях свободной конкуренции, норма прибыли, усиление конкуренции в отрасль.

Ключевые слова: малый бизнес, специализация, отрасль, конкуренция, межотраслевая конкуренция, монополистическое доминирование, норма прибыли, эффективность.

THE RELATIONSHIP OF COMPETITION AND DEGREE OF SPECIALIZATION IN SMALL BUSINESS ENTERPRISES

Sharipov Kuvondik Bakhtiyorovich

Tashkent State University of Economics,
Department of "Fundamental Economics"

doctoral student (DSc), PhD, associate professor

Abstract. In this article, the theoretical foundations of the processes of specialization by industry in business activity, the method of evaluating regional industry specialization indicators, the V.M. Ryabtsev index, the coefficient of localization in terms of the number of employees of small, medium and self-employed entrepreneurs, the Herfindahl-Hirshman index for assessing monopoly power, inter-industry competition, the method of determining the directions of increasing the level of specialization of small business enterprises in terms of free competition, profit rate, increasing competition in the industries is highlighted.

Keywords: small business, specialization, industry, competition, interindustry competition, monopolistic dominance, rate of profit, efficiency.

Кириш. Ўзбекистонда иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш долзарб масала ҳисобланади. Бу борада кейинги йилларда аҳамиятли ва тизимли чора-тадбирлар ишлаб

чиқилмоқда. Жумладан, 2023 йил 18 августдаги мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқотда: “Президент янги бозорларга сифатли ва рақобатбардош маҳсулот билан кириш масаласига тўхталди.

“Бир нарсани тўғри тушуниш керак. Биз айрим мамлакатлар каби нефть-газ ресурсларини сотиш ҳисобига юқори иқтисодий ўсишни таъминлай олмаймиз. Бизнинг “нефтимиз” ҳам, “газимиз” ҳам бу – сиз каби ташаббускор ва ишбилармон тадбиркорлар хом ашёдан яратаётган юқори қийматли ва сифатли маҳсулотлардир”, - деди давлатимиз раҳбари.

Маҳсулотлар ташқи бозорларда сифатли, талабгорлиги юқори ва рақобатбардош бўлиши учун ишлаб чиқаришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиб, кескин ўсиш қилиш зарурлиги таъкидланди” [1].

Ушбу белгиланган вазифаларни самарали амалга оширишда кичик бизнес корхоналарида рақобат ва ихтисослашув даражасининг ўзаро боғлиқлигини тадқиқ этиш ҳамда назарий жиҳатларини очиб бериш муҳим ҳисобланади.

Адабиётлар таҳлили. Кичик бизнес корхоналарида рақобат ва ихтисослашув даражасининг ўзаро боғлиқлигини ўрганишнинг назарий ва амалий масалалари хорижлик олимлардан Ю.Н.Александрин, В.С.Алуйн, А.Н.Васильев, И.А.Елхина, Херфиндала-Хиршмана, Н.В.Кетько, В.М.Власовой, Ю.С.Пиньковецкая, В.И.Видяпина, М.В.Степанова, В.М.Рябцев, Г.И.Чудилин, Э.В.Ситникова, В.В.Олабина, Л.П.Пидоймо, И.Р.Закирова, С.Н.Абдуллина, К.Г.Сафиуллина, Л.Р.Гатауллина, А.В.Дубынина, Д.Г.Демьянов, М.М.Махмудова, А.М.Королева, М.В.Сорокина, Р.С.Шварц, М.В.Шатохин, И.В.Анциферова, Н.С.Юдин, В.А.Черкасовнинг илмий асарларида ўз аксини топган.

Кичик тадбиркорлик фаолияти ривожланишида ихтисослашув жараёнлари билан боғлиқлигининг умумий жиҳатлари ўзбекистонлик олимлардан Ё.Абдуллаев, Ф.Каримов, А.Н.Самадов, Р.Ходжаев, Ш.Ж.Эргашходжаева, Ш.Юлдашев, М.С.Қосимова, Б.К.Ғойибназаров, У.В.Ғафуров, Д.Т.Юлдашев, Ҳ.П.Абулқосимов, И.А.Бакиева, А.А.Қулматов, М.М.Ибрагимова ва бошқаларнинг ишларида баён этилган.

Тадбиркорлик фаолиятида тармоқ бўйича ихтисослашув жараёнларига оид назарий асослар ва амалий маълумотларнинг тизимли таҳлили қуйидаги илмий тахминларни илгари суриш имконини беради:

1) кичик бизнес соҳаси самарадорлигини ошириш учун унинг фаолиятини тармоқ-

лар бўйича ихтисослашувини таъминлаш зарур;

2) кичик бизнес фаолиятининг тармоқлар бўйича ихтисослашуви жараёнини тартибга солиш лозим.

Ушбу илмий тахминларнинг асосли эканлигини кўриб чиқиш учун кичик бизнес фаолиятининг тармоқлар бўйича ихтисослашув даражасини баҳолаш услубини ишлаб чиқиш зарур. Бунинг учун бу борадаги мавжуд услубий ёндашувларни кўриб чиқамиз.

Р.С.Шварц, М.В.Шатохин, И.В.Анциферова томонидан минтақа тармоқ ихтисослашуви кўрсаткичларини баҳолаш услуби ишлаб чиқилган[2]. Бунда, асосан, минтақа хўжалиги тармоқ тузилмасини яхлит мамлакат хўжалиги тармоқ тузилмаси билан ўзаро таққослашга таянувчи қуйидаги коэффициентлар орқали баҳоланган:

1) муайян ишлаб чиқаришнинг минтақа худудидаги локализация коэффициенти:

$$k_{ir} = \frac{q_{ir}}{Q_r} : \frac{q_i}{Q}$$

бу ерда: q_{ir} – r минтақадаги i – тармоқнинг ялпи ишлаб чиқариш ҳажми; Q_r – r минтақадаги ялпи ишлаб чиқариш ҳажми; q_i – миллий иқтисодиётдаги i -тармоқнинг ялпи ишлаб чиқариш ҳажми; Q – мамлакатдаги ялпи ишлаб чиқариш ҳажми;

2) аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш коэффициенти:

$$k_{ir}^{dn} = \frac{q_{ir}}{q_i} : \frac{N_r}{N}$$

бу ерда: N_r – r минтақа аҳолисининг сони; N – мамлакат аҳолиси сони;

3) ўзини ўзи таъминлаш коэффициенти:

$$k_{ir}^{ob} = \frac{q_{ir}}{P_{ir}}$$

бу ерда: P_{ir} – r минтақадаги i -тармоқнинг маҳсулот истеъмол қилиш ҳажми;

4) туманлараро товарлиқ коэффициенти:

$$k_{ir}^{mt} = \frac{V_{ir}}{q_{ir}}$$

бу ерда: V_{ir} – минтақадаги i -тармоқ маҳсулотининг четга чиқарилган ҳажми.

Кичик ва ўрта тадбиркорликнинг таркиб топган тузилмасини тадқиқ этиш тадбиркорлик тузилмасидаги ва улардаги ишловчилар сонининг тегишли равишда ҳар бир фаолият турига тўғри келувчи улушини кўриб чиқишга асосланади.

2010 йилдан 2015 йилга қадар даврда таркибий тузилманинг ўзгариши таҳлили В.М.Рябцев индексидан[3] фойдаланган ҳол-

даги тузилмавий ўзгаришларнинг аҳамиятлилик даражасини баҳолашни ўз ичига олади.

Мазкур индекс таққосланаётган тузилма компонентлари қиймати ҳамда ушбу қийматлар йиғиндисининг ҳақиқатдаги тафовути нисбатни акс эттиради. У таркибий силжишларни баҳолашнинг йиғма кўрсаткичларига тегишлидир. Ҳисоблаш формуласи қуйидагича:

$$I_r = \sqrt{\frac{\sum_{i=1}^n (d_i^{2015} - d_i^{2010})^2}{\sum_{i=1}^n (d_i^{2015} + d_i^{2010})^2}}$$

Бу ерда:

d_i^{2010} , d_i^{2015} – таҳлил этилаётган тармоқ кўрсаткичларининг 2010 ва 2015 йиллар учун тегишли равишдаги солиштирма салмоқлари, %;

I – иқтисодий фаолият турининг шартли рақами;

n – иқтисодий фаолият турларининг сони.

Рябцев индексидан фойдаланиш кейинги йилларда аҳамиятли равишда кенг тарқалди [4], чунки индекс статистик маълумотларнинг ҳар қандай тўплами учун қўлланилиши мумкин.

В.М.Рябцев томонидан таклиф қилинган таркибий тузилмадаги тафовутлар (0 дан 1 га қадар)нинг аҳамиятлилик даражасини баҳолаш шкаласи олинган натижаларни талқин қилиш имконини беради.

Хусусан, у қадар катта бўлмаган тузилмавий тафовутларни тавсифловчи қуйидаги даражалар кўрсатиб берилган:

– таркибий тузилмаларнинг айнийлиги (0,000 – 0,030);

– таркибий тузилмалардаги тафовутларнинг ўта паст даражаси (0,031 – 0,070);

– таркибий тузилмалардаги тафовутларнинг паст даражаси (0,071 – 0,150).

Ҳар бир фаолият турида тадбиркорлик тузилмалари сони жуда юқори. Ҳар бир алоҳида корхона бўйича кўрсаткичларни тавсифлаш ва кейин уларни умумлаштириш жуда мураккаб ва кўп меҳнат талаб қилувчи жараён ҳисобланади. Шунинг учун муайян тармоқларга тегишли бўлган кичик ва ўрта корхоналарнинг йиғинди (тўплам)ларини тавсифловчи кўрсаткичларни кўриб чиқиш мантиқан тўғри ҳисобланади [5].

Миллий иқтисодиётни хизматлар соҳасини, шу жумладан, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилувчи

хизматлар соҳасини ривожлантириш асосида трансформациялашга қатъий зарурият мавжуд. Бунда мамлакатнинг ҳар бир минтақасида янги тадбиркорлик тузилмаларини таркиб топтириш резервларини аниқлаш муҳим муаммо ҳисобланади. Кўрсатиб ўтилган муаммони тадқиқ этиш иқтисодий фаолиятнинг турли кўринишларида ва уларнинг минтақалар бўйича мавжуд тақсимланишидаги кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг ихтисослашув даражасини таҳлил этишни тақозо этади. Таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда мамлакатдаги тармоқларнинг локализацияси (маҳаллийлашуви) бўйича тадқиқотлар қуйидаги ишларда ўз аксини топган [6, 7, 8, 9, 10]. Бундан кўринадики, муаллиф “тармоқ бўйича ихтисослашув” атамаси ўрнига “маҳаллийлашув” атамасини қўллайди.

Кичик, ўрта ва якка тартибдаги тадбиркорлик ходимлари сони бўйича маҳаллийлашув коэффицентларини ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилган:

$$K_{lij} = \frac{O_{Pij}}{P_i} \cdot \frac{P_c}{O_{Cj}}$$

бу ерда:

O_{Pij} – кичик, ўрта ва якка тартибдаги тадбиркорлик ходимларининг мамлакат i субъекти ҳудудида жойлашган j фаолият тури бўйича сони;

P_i – мамлакат i субъекти ҳудудида жойлашган барча кичик, ўрта ва якка тартибдаги тадбиркорлик ходимлари сони;

P_c – Россиядаги барча кичик, ўрта ва якка тартибдаги тадбиркорлик ходимлари умумий сони;

O_{Cj} – мамлакат бўйича j фаолият туридаги барча кичик, ўрта ва якка тартибдаги тадбиркорлик ходимлари сони [11].

Ю.Пиньковецкая кичик тадбиркорлик субъектлари учун хусусиятли бўлган асосий фаолият турларини кўриб чиқади. Таъкидлаш жоизки, кичик тадбиркорликнинг амал қилиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, кичик корхона ва тадбиркорлар алоҳида фаолият турларига ихтисослашадилар. Хусусан, қайта ишловчи тармоқларда озиқ-овқат маҳсулотлари, металл буюмлар, ёғоч буюмлар, резина ва пластмасса буюмлари тайёрлаш, полиграфия фаолияти, шунингдек, тўқимачилик ва тиқувчилик буюмлари бозорлари устуворлик қилади.

Тадбиркорлик тузилмалари томонидан фойдали қазилмаларни қазиб олиш, асосан, карьерларга ишлов бериш (қум, тупроқ, май-

даланган тош, оҳақ, бўр қазиб олиш) билан боғлиқ.

Электр энергияси, газ ва сувни ишлаб чиқариш ва тақсимлаш тармоғида кичик корхоналар иссиқлик энергияси, иссиқ сув ва электр энергиясини тақсимлаш ва узатиш бўйича фаолиятни амалга оширади.

Кичик корхона ва тадбиркорлар қишлоқ хўжалиги, овчилик, ўрмон хўжалиги, балиқ овлаш ва балиқ етиштириш каби тармоқларда аҳамиятли роль ўйнайди. Таъкидлаш керакки, технологик жараёнларнинг хусусиятларига мувофиқ равишда улар муниципал ҳудудларда жойлашадилар.

Қурилишдаги тадбиркорлик тузилмаларининг мутлақ катта қисми турлича ишларни амалга оширади: турар ва нотурар бино ва иншоотларни реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш, пардозлаш ишлари, электр, иссиқлик, сув ва оқова сув таъминоти, совутиш тизимларини монтаж қилиш, лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш.

Транспорт ва алоқага тегишли кичик тадбиркорлик субъектлари кўпроқ даражада автомобиль транспорти орқали йўловчи ва юкларни ташишга ихтисослашади [12].

Агар кичик бизнеснинг кенг маъноси кўриб чиқилса, у монополистик тузилмаларнинг таркибий қисми ҳисобланмайдиган ҳамда уларга нисбатан давлат иқтисодиётида иккинчи даражали роль ўйнайдиган юридик ва жисмоний шахслар – кичик тадбиркорларнинг ҳаракатчан мажмуини намоён этади. Нисбатан тор маънода кичик бизнес давлат аҳамиятидаги тегишли тартибга солувчи ҳужжатларда белгиланган ҳар бир давлат ва тармоқ учун индивидуал тарздаги мезонларга жавоб берувчи тижорат тавсифидаги хусусий корхонани намоён этади [14].

Тадқиқот методологияси. Асосий илмий-назарий қоидаларни ишлаб чиқишда илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш, монографик тадқиқ этиш, таққослаш каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Кичик корхоналар ривожланган бозор хўжалиги шароитида жамият иқтисодий ҳаётини ташкил этишнинг тўла мустақил ва нисбатан типик шаклини намоён этади. Улар фақат ўзларининг ички ривожланиш қонуниятларига хос бўлган махсус фарқловчи хусусиятлари, афзалликлари ва камчиликларига эга. Асосан, рақобатдош маҳаллий бозорда амал қилиш, мазкур бозорнинг конъюнктурасидаги ўзгаришларга тезлик билан мослашиш, товар ва

хизматларнинг муайян сегментига тор ихтисослашув, истеъмолчилар билан бевосита алоқа, нисбатан катта бўлмаган бошланғич капиталга эҳтиёж – кичик корхоналарнинг мазкур тавсифлари иқтисодиётнинг тузилмавий элементи сифатидаги ушбу корхоналарнинг барқарорлиги ва яшовчанлигини оширувчи афзалликлари ҳисобланади.

Бироқ маълум шароитларда бундай тавсифлар салбий аҳамият касб этиб, муайян корхоналарнинг ривожланишини тўхтатиб, уларнинг фаолиятини хавф остига қўяди. Кичик тадбиркорликнинг эгилювчанлиги, унинг ҳаракатчанлиги ташқи муҳитнинг ўзгаришларига тезлик билан мослашишига имкон яратади, бироқ у, айниқса, бозор конъюнктурасининг тебранишлари, умумий ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шарт-шароитларнинг динамикаси, амал қилишнинг маҳаллий шароитларидаги ўзгаришларга қаттиқ боғланиб қолади. Нисбатан катта бўлмаган капитал ишлаб чиқариш доирасини торайтиради, зарур ҳолатларда қўшимча ресурсларни жалб этиш учун имкониятларни чеклайди. Ишлаб чиқаришнинг чекланган миқёслари ва банд бўлганларнинг у қадар катта бўлмаган сони корхонани бошқаришнинг содда ва самарадорлигини шартлайди. Бироқ кичик корхоналар учун хос бўлган мулкдор ва бошқарувчи функцияларининг уйғунлашуви, корхона ходимлари билан шахсий алоқаларнинг ўрнатилиши бошқарув харажатларини пасайтиради [15].

Кейинги йилларда Россиядаги кичик ва ўрта тадбиркорлик таркибий тузилмасини тадқиқ этишга бағишланган бир қатор муаллифларнинг ишлари чоп этилди. Улар орасида Н.С.Юдин, В.А.Черкасов, Ю.С.Пиньковецкая, Н.В.Кетько, Э.В.Ситникова, В.В.Олабина, Л.П.Пидоймо, И.Р.Закирова, С.Н.Абдуллина, К.Г.Сафиулина, Л.Р.Гатауллин, А.В.Дубинина, Д.Г.Демьянов, М.М.Махмудова, А.М.Королева, М.В.Сорокинанинг мақолалари катта қизиқиш уйғотади.

Н.С.Юдин, В.А.Черкасовнинг таъкидлашича, ҳозирги вақтда Россияда кичик бизнес ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва самарали инновацион лойиҳаларни жорий этиш бўйича асосий функцияларини бажармаяпти [16]. Кичик фирмалар усувор равишда капитал тез айланадиган соҳаларда ривожланмоқда ва илмий-техникавий ишланмалар секторига жалб этилмаган. Бундай ҳолат яхлит миллий иқтисодиётнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади, чунки ҳам миллий, ҳам жаҳон бозорларида унинг инновацион сало-

ҳияти ва рақобатбардошлигини аҳамиятли даражада пасайтиради [17].

Ю.Н.Александрин кичик бизнес ривожланишининг умумий даражасини ифодаловчи (рўйхатга олинган КЎК субъектлари сони, ходимларнинг ўртача рўйхатдаги сони, ялпи тушум ва асосий капиталга инвестициялар) кўрсаткичлардан кичик тадбиркорлик субъектлари инновацион фаоллиги динамикасини, тармоқ тузилмасидаги ижобий ўзгаришларни тавсифловчи индикаторларга ўтиш мақсадга мувофиқ. Бундай индикаторларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- фаолият кўрсатаётган кичик инновацион, ишлаб чиқариш ва экспортга йўналтирилган корхоналар сони;

- кичик инновацион, ишлаб чиқариш ва экспортга йўналтирилган корхоналарнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши;

- кичик инновацион, ишлаб чиқариш ва экспортга йўналтирилган корхоналарнинг КЎК тармоқ тузилмасидаги улуши;

- кичик корхоналар томонидан рўйхатдан ўтказилган патентлар ва жорий этилган инновацион маҳсулотлар (хизматлар) сони;

- кичик корхоналар маҳсулотлар (хизматлар) реализацияси умумий ҳажмида инновацион маҳсулотлар (хизматлар) улуши;

- кичик инновацион, ишлаб чиқариш ва экспортга йўналтирилган корхоналардаги ишловчиларнинг ўртача рўйхатдаги сони;

- кичик инновацион, ишлаб чиқариш ва экспортга йўналтирилган корхоналардаги ўртача ойлик иш ҳақи;

- битта кичик инновацион, ишлаб чиқариш ва экспортга йўналтирилган корхонага тўғри келувчи ҳудудий (муниципал) мулкрий инфратузилма (бизнес-инкубаторлар, технопарклар, технополислар, минтақавий ва муниципал бизнес-кўчмас мулк)нинг умумий майдони;

- минтақавий бизнес-инкубаторлар, технопарклар ва технополислар резидентлари – кичик инновацион, ишлаб чиқариш ва экспортга йўналтирилган корхоналар сони;

- минтақавий кафолат (венчур) фондлар орқали молиявий кўмак олган кичик инновацион, ишлаб чиқариш ва экспортга йўналтирилган корхоналар сони;

- минтақавий ва муниципал бюджетлар, минтақавий кафолат (венчур) фондлар маблағлари ҳисобига кичик инновацион, ишлаб чиқариш ва экспортга йўналтирилган корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳажми;

- кичик ишлаб чиқариш ва инновацион корхоналар билан товарлар (ишлар, хизмат-

лар) етказиб бериш учун тузилган шартномалар сони;

- кичик ишлаб чиқариш ва инновацион корхоналар билан давлат ва муниципал эҳтиёжлар учун товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш бўйича тузилган шартномалар қиймати [18].

Ю.С.Пиньковецкая Россиядаги кичик ва ўрта тадбиркорликнинг таркиб топган тармоқ тузилмаси учун хусусиятли бўлган қонуният ва тенденцияларни аниқлаш мақсадида тадқиқот олиб борган. Мазкур тадқиқот натижасида қуйидаги вазифалар ҳал этилган: кичик ва ўрта тадбиркорликнинг иқтисодий фаолият турлари ҳамда улардаги ишловчилар сони бўйича вужудга келган таркибий тузилмаси учун хусусиятли бўлган қонуният ва тенденциялар очиб берилган, битта корхонага тўғри келувчи ишловчилар сонининг солиштира кўрсаткичлари аниқланган [5].

Тадқиқот методикаси кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг тармоқ (иқтисодий фаолият турлари) ва ҳудуд (мамлакат субъектлари) белгилари бўйича шаклланган жамлама кўрсаткичларини таҳлил қилишга асосланган. Тадқиқот 2015 йилда фаолият кўрсатган кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг сони, шунингдек, уларда банд бўлган ишловчилар сони тўғрисидаги маълумотларга асосланган.

Тадбиркорлик фаолиятининг муҳим кўрсаткичларидан бири битта корхонага тўғри келувчи ишловчиларнинг солиштира сони ҳисобланади. Мазкур кўрсаткич катта амалий аҳамиятга эга, чунки кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш вазифаларининг кенг доирасини ҳал қилишда зарур бўлади. У минтақа ва муниципал тузилмалардаги тадбиркорлик секторининг ривожланишини режалаштириш ва прогнозлаштиришда меҳнат ресурсларига бўлган тахмин қилинаётган эҳтиёжларни асослашда қўлланилади. Муаллифнинг илмий ишида баён этилганидек [13], ҳудудий белгилари бўйича шакллантирилган, корхоналар мажмуининг фаолиятини тавсифловчи солиштира кўрсаткичлар қийматини таққослашни моделлаштиришни нормал тақсимот зичлиги функциясидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Кичик тадбиркорлик фаолиятида тармоқ бўйича ихтисослашув даражасини баҳолашнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш тақозо этилади. Фикримизча, кичик бизнесни алоҳида соҳа сифатидаги тармоқ ихтисослашуви даражасини баҳолашда, энг аввало,

унинг тармоқда рақобат муҳитини яратиш, янги иш ўринларини барпо этиш, маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) ҳажмини ошириш каби муҳим ижтимоий-иқтисодий функцияларидан келиб чиқиш лозим. Шунга кўра, кичик бизнес корхоналари ихтисослашуви даражасини баҳолашнинг тармоқда мақбул рақобат даражасини яратиш жиҳатидан услубий асосларини кўриб чиқамиз.

Энг аввало, “бозор (тармоқ)даги рақобат” ва “бозор (тармоқ) концентрацияси” тушунчалари маъно жиҳатдан турлича аҳамият ва тескари алоқадорлик касб этади. Концентрация бозор (тармоқ)даги корхоналарнинг жойлашув зичлигини тавсифлайди. Бозорда ишлаб чиқарувчилар сони қанчалик кам бўлса, тармоқдаги монопол ҳукмронликнинг концентрация даражаси ва мувофиқ ҳолда, бозор концентрацияси шунчалик юқори бўлади. Рақобатда эса аксинча, бозордаги корхоналар сони қанчалик кўп бўлса, мазкур бозордаги рақобатнинг ривожланганлик даражаси шунчалик юқори бўлади.

Турли тармоқлардаги товар ишлаб чиқариш ва муомаласи соҳасида монопол ҳукмронлик концентрацияси бир хил эмас. Бозордаги рақобат ривожланиши даражасидан келиб чиққан ҳолда мазкур бозордаги корхоналарнинг концентрация даражаси турлича аниқланади.

Монопол ҳукмронликни баҳолаш учун Херфиндал-Хиршман индекси (ИНН) асосида бозор концентрацияси даражасини аниқловчи кўрсаткичдан фойдаланилади. Уни ҳисоблашда корхоналарнинг тармоқдаги солиштирма салмоғи тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилади.

Фараз қилинишича, корхоналар маҳсулотининг тармоқдаги солиштирма салмоғи қанчалик катта бўлса, монополиянинг вужудга келиши учун шунчалик потенциал имкониятлар мавжуд бўлади. Индексни ҳисоблашда барча корхоналарнинг солиштирма салмоқлари энг каттасидан энг кичигига қараб тартибланади.

$$I_{\text{ИНН}} = S_1^2 + S_2^2 + S_3^2 + \dots + S_n^2,$$

бу ерда:

ИНН – Херфиндал-Хиршман индекси;

S_1 – энг йирик корхонанинг солиштирма салмоғи;

S_2 – кўламига кўра навбатдаги катталикдаги корхонанинг солиштирма салмоғи;

S_n – энг кичик корхонанинг солиштирма салмоғи [19].

Тармоқлараро рақобат – барча тармоқлардаги тадбиркорлар ўртасидаги капитални нисбатан фойдалироқ тарзда қўйиш учун беллашув. Мазкур беллашув ишлаб чиқаришнинг турли кўринишларида миқдори бўйича бир хил бўлган капитал учун миқдори бўйича тенг бўлмаган фойда вужудга келиши сабабли рўй беради.

Тафовут оқибатида капитал тузилмаси (ишчи кучига ҳақ тўлаш харажатлари солиштирма салмоғи) ва унинг ўзаро мос келмайдиган айланиш тезлигига кўра ишлаб чиқариш тармоғининг паст, ўрта ва юқори фойда меъёрига эга уч гуруҳи ажралади [20].

Фойда меъёри – фойданинг барча аванланган капитал ёки ишлаб чиқариш харажатларига нисбатининг фоиздаги ифодаси. У капиталдан фойдаланиш самарадорлиги, корхонанинг даромадлилигини ифодалайди. Молиявий менежментда фойда меъёри айрим ҳолларда даромадлилик деб ҳам аталади.

Фойда меъёри = Кўшимча қиймат массаси / (Доимий капитал + Ўзгарувчи капитал)

Соф фойда меъёри корхона хўжалик фаолияти даромадлилик даражасини тавсифлайди. Соф фойда меъёри фоизларда ўлчаниб, соф фойданинг тушумга (нетто) нисбати сифатида аниқланади [21].

Эркин рақобат шароитида рентабеллиги энг паст бўлган турдаги ишлаб чиқариш тадбиркорлари ўзларининг капитал қўйилmalarини қайтариб олиб, фойда меъёри нисбатан юқори бўлган соҳаларга жойлаштирадилар. Нисбатан паст даромадли тармоқлардан фойда меъёри юқори роқларига капитал (у билан бирга меҳнат)нинг оммавий равишда оқиб ўтиши улар товарларига бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатда сезиларли ўзгаришларга олиб келади, бу эса улар нархларининг мувозанат даражасидан оғишига сабаб бўлади.

Эркин рақобат шароитида, агар нисбатан узоқроқ ёки қисқароқ даврни олиб қаралса, инглиз классик иқтисодчилари томонидан эътироф этилган қўйидаги барқарор тенденцияни кузатиш мумкин. Иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги фойда меъёри ўртача ёки умумий фойда меъёрига тенглашади. Ушбу шароитларда алоҳида тадбиркор индивидуал эмас, балки ўртача фойдага, яъни аванслашган капиталга бир хилдаги меъёрда шаклланивчи даромад миқдорига эришади.

Тўғри, турли тармоқлардаги фойда меъёрини умумий ёки ўртача фойдага барабарлаштириш уни иқтисодий модель орқали тасаввур қилиш каби оддий жараён эмас. Ама-

лиётда унумли шаклдаги капитал кўп ҳолларда бир тармоқдан бошқа бирига бевосита кўчиб ўтишга қодир эмаслигини ҳисобга олишга тўғри келади. Чунки бунинг учун корхонани, умуман, бошқа маҳсулот ишлаб чиқаришга қайта йўналтиришга тўғри келиб, бу жуда камдан-кам ҳолатларда рўй беради. Кўпроқ тармоқлараро рақобат амалда капитал янги қўйилмаларининг йўналишларини ўзгартиришга таъсир кўрсатади.


Ҳозирги шароитда тармоқлараро рақобат у қадар катта бўлмаган нисбатан ҳаракатчан капитал учун маълум даражада ўз аҳамиятини сақлаб қолган. Кичик бизнеснинг янгидан ташкил топган корхоналари учун тармоқлардаги фойда меъёридаги фарқ аҳамиятли ролни ўйнашда давом этмоқда: нисбатан катта бўлмаган капиталга эга тадбиркорлар нисбатан фойдали тармоқларга киришга ҳаракат қиладилар.

Бироқ ҳозирда бундай тармоқларда кичик ва ўрта бизнес учун сезиларли даражадаги чекловлар мавжуд. Юқори даражадаги фойдалиликни таъминлашга қодир бўлган капиталнинг минимал ҳажмини тавсифловчи тармоққа кириш тўсиғининг қуйи чегараси доимий равишда кўтарилиб бормоқда [20].

Бундан кўринадики, тармоқдаги рақобат муҳитини кучайтиришда кичик бизнеснинг етарли даражадаги фаоллигини таъминлаш муҳим ҳисобланади. Статистик маълум

отларга кўра, бугунги кунда кичик бизнес корхоналари сони, улардаги бандлар сони, тармоқ ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши, тармоқ инвестициялар ҳажмидаги улуши иқтисодиётнинг айрим тармоқларида сезиларли даражада юқори, айримларида эса аксинча, сезиларли даражада паст. Агар юқорида таъкидлаб ўтилган тармоқлараро рақобат назариясига таянилса, иқтисодиётда тармоққа кириш ва ундан чиқиш эркинлиги таъминланган ҳолатда ўртача фойда меъёри бир хил бўлади. Лекин маълумотлардан кўринадики, битта корхона ёки битта ишловчига тўғри келувчи фойда ҳажми турли тармоқларда кескин фарқ қилмоқда. Фикримизча, нисбатан юқори фойда меъёри қайд этилган тармоқларда ресурсларнинг ҳаракатланиши билан боғлиқ тўсиқлар мавжудлигини тахмин қилиш мумкин. Шунга кўра, ушбу ўртача кўрсаткични тармоқ ўртача (реал) кўрсаткичи даражасига қадар пасайтириш орқали тармоқ ялпи ишлаб чиқариш ҳажмини ва тегишли равишда, мамлакат ЯИМ ҳажмини ошириш мумкин.

Тадқиқот давомида ишлаб чиқилган тармоқдаги рақобатни кучайтириш жиҳатидан кичик бизнес корхоналарининг ихтисослашув даражасини ошириш йўналишларини аниқлаш услубини қуйидаги чизма орқали ифодалаш мумкин (1-расм.)



1-расм. Тармоқдаги рақобатни кучайтириш жиҳатидан кичик бизнес корхоналарининг ихтисослашув даражасини ошириш йўналишларини аниқлаш услуби [22]

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мазкур услубдаги кўрсаткичларнинг қийматларини аниқлашда маълумот манбалари билан таъминланганлик муҳим ўрин тутлади. Қуйида ҳар бир кўрсаткич бўйича маълумот олиш манбаи ёки уни ҳисоблаб чиқариш усулини келтирамыз.

1. Дастлаб муайян давр учун кичик бизнес корхоналарининг тармоқлар бўйича ишлаб чиқариш ҳажми (ИЧХ_i)ни аниқлаш талаб қилинади. Мазкур маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” йиллик статистик тўпламидан олиниши мумкин.

2. Ҳар бир тармоқдаги битта корхонага тўғри келувчи ўртача ишлаб чиқариш ҳажми (ЎИЧХ_i)ни аниқлаш қуйидаги формула орқали амалга оширилади:

$$\text{ЎИЧХ}_i = \frac{\text{ИЧХ}_i}{\text{КС}_i},$$

бу ерда: КС – тармоқдаги корхоналар сони.

3. Муайян давр учун кичик бизнес корхоналарининг тармоқлар бўйича ишлаб чиқариш харажатлари ҳажми (ИХ_i) “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” йиллик статистик тўпламидан олинади.

4. Ҳар бир тармоқдаги битта корхонага тўғри келувчи ўртача ишлаб чиқариш харажатлари ҳажми (ЎИХ_i)ни аниқлаш қуйидаги формула орқали амалга оширилади:

$$\text{ЎИХ}_i = \frac{\text{ИХ}_i}{\text{КС}_i}.$$

5. Кичик бизнес корхоналарининг ҳар бир тармоқ бўйича фойда ҳажми (ФХ_i) “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” йиллик статистик тўпламидан олинади.

6. Кичик бизнес корхоналарининг ҳар бир тармоқ бўйича фойда меъёри (ФМ_i)ни аниқлаш қуйидаги формула орқали амалга оширилади:

$$\text{ФМ}_i = \frac{\text{ФХ}_i}{\text{ИХ}_i} \times 100\%.$$

7. Кичик бизнес корхоналарининг иқтисодиёт бўйича ўртача фойда меъёри (ЎФМ)ни аниқлаш қуйидаги формула орқали амалга оширилади:

$$\text{ЎФМ} = \frac{\sum_{i=1}^n \text{ФХ}_i}{\sum_{i=1}^n \text{ИХ}_i} \times 100\%.$$

8. Юқори фойда меъёрига эга тармоқларнинг иқтисодиёт бўйича ўртача фойда меъёридан ортган қисми (ФМОҚ_i)ни аниқлаш қуйидаги формула орқали амалга оширилади:

$$\text{ФМОҚ}_i = \text{ФМ}_i - \text{ЎФМ}.$$

9. Ҳар бир тармоқдаги битта корхонага тўғри келувчи ўртача фойда ҳажми (ЎФХ_i)ни

аниқлаш қуйидаги формула орқали амалга оширилади:

$$\text{ЎФХ}_i = \frac{\text{ФХ}_i}{\text{КС}_i}.$$

10. Тармоқ бўйича фойда меъёри (ФМ_i)ни иқтисодиёт бўйича ўртача фойда меъёри (ЎФМ)га яқинлаштириш мақсадида ишлаб чиқариш харажатларининг кенгайтирилиши мумкин бўлган ҳажми (КИХ_i)ни аниқлаш қуйидаги формула орқали амалга оширилади:

$$\text{КИХ}_i = \left[\frac{\text{ФХ}_i}{\text{ЎФМ}} \times 100\% \right] - \text{ИХ}_i.$$

11. Ишлаб чиқариш харажатларининг кўпайтилиши мумкин бўлган ҳажми (КИХ_i) ҳамда битта корхонага тўғри келувчи ўртача ишлаб чиқариш харажатлари ҳажми (ЎИХ_i) ёрдамида тармоқда қўшимча равишда ташкил этилиши мумкин бўлган корхоналар сони (ҚКС_i)ни аниқлаш қуйидаги формула орқали амалга оширилади:

$$\text{ҚКС}_i = \frac{\text{КИХ}_i}{\text{ЎИХ}_i}.$$

12. Тармоқда қўшимча равишда ташкил этилиши мумкин бўлган корхоналар сони (ҚКС_i) ҳамда ҳар бир тармоқдаги битта корхонага тўғри келувчи ўртача ишлаб чиқариш ҳажми (ЎИЧХ_i) ёрдамида тармоқда қўшимча равишда ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш ҳажми (ҚЎИЧХ_i)ни аниқлаш қуйидаги формула орқали амалга оширилади:

$$\text{ҚЎИЧХ}_i = \text{ҚКС}_i \times \text{ЎИЧХ}_i$$

Иқтисодиётнинг истиқболли тармоқларида қўшимча равишда ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ҳажмининг аниқланиши кичик бизнес корхоналарининг ихтисослашув жараёнларини тартибга солиш орқали мамлакат ялпи ички маҳсулотига улушини сезиларли равишда ошириш имконини беради.

Хулоса ва таклифлар:

1. Кичик бизнес соҳаси самарадорлигини ошириш учун унинг фаолиятини тармоқлар бўйича ихтисослашувини таъминлаш ҳамда мазкур жараённи тартибга солишнинг мақсадга мувофиқлигини асослаш учун соҳа фаолиятининг тармоқлар бўйича ихтисослашув даражасини баҳолаш услубини ишлаб чиқиш зарур.

2. Турли тармоқлардаги фойда меъёрини умумий ёки ўртача фойдага бараварлаштириш уни иқтисодий модель орқали тасаввур қилиш каби оддий жараён эмас. Амалиётда унумли шаклдаги капитал кўп ҳолларда бир тармоқдан бошқа бирига бевосита кўчиб ўтишга қодир эмаслигини ҳисобга олишга

тўғри келади. Чунки бунинг учун корхонани, умуман, бошқа маҳсулот ишлаб чиқаришга қайта йўналтиришга тўғри келиб, бу жуда камдан-кам ҳолатларда рўй беради. Кўпроқ тармоқлараро рақобат амалда капитал янги қўйилмаларининг йўналишларини ўзгартиришга таъсир кўрсатади.

3. Тармоқдаги рақобат муҳитини кучайтиришда кичик бизнеснинг етарли даражадаги фаоллигини таъминлаш муҳим ҳисоблана-

ди. Нисбатан юқори фойда меъёри қайд этилган тармоқларда ресурсларнинг ҳаракатланиши билан боғлиқ тўсиқлар мавжудлигини тахмин қилиш мумкин. Шунга кўра, ушбу ўртача кўрсаткични тармоқ ўртача (реал) кўрсаткичи даражасига қадар пасайтириш орқали тармоқ ялпи ишлаб чиқариш ҳажмини ва тегишли равишда, мамлакат ЯИМ ҳажмини ошириш мумкин.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Президент Шавкат Мирзиёев тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ўтказмоқда. 2023 йил 18 август. – www.uza.uz
2. Шварц Р.С., Шатохин М.В., Анциферова И.В. Оценка показателей отраслевой специализации региона. – <https://cyberleninka.ru/article/n/otsenka-pokazateley-otraslevoy-spetsializatsii-regiona>
3. Рябцев В.М., Чудилин Г.И. Региональная статистика. – М.: МИД, 2001. – 380 с.
4. Елхина И.А. Структурные сдвиги и структурные различия хозяйственных систем в России. // Вестник.
5. Пиньковецкая Ю.С. Отраслевая структура малого и среднего предпринимательства в России. // Научный журнал НИУ ИТМО. Серия Экономика и экологический менеджмент. № 3, 2017.
6. Васильев А.Н. О некоторых показателях специализации региона. // Вестник ТГЭУ. 2007. №3. С. 78-85.
7. Кудрявцева Т.Ю., Жабин Н.П. Формирование алгоритма идентификации кластеров в экономике региона. // Научно-технические ведомости СПбГПУ. Экономические науки. 2014. №3 (197). С. 124-131.
8. Миролюбова Т.В., Карлина Т.В., Ковалева Т.Ю. Закономерности и факторы формирования и развития региональных кластеров. Монография. – Пермь: Пермский государственный национальный исследовательский университет, 2013. – 283 с.
9. Растворцева С.Н., Колчинская Е.Э., Манаева И.В. Эффекты модели центр-периферия на примере российских регионов. // В мире научных открытий. 2013. № 4.1 (40). С. 71-81.
10. Региональная экономика. / Под ред. В.И.Видяпина, М.В.Степанова. – М.: ИНФРА-М, 2007. – 666 с.
11. Пиньковецкая Ю.С. Анализ отраслевой локализации малого и среднего предпринимательства в регионах. // Теория и практика управления. 2016. № 2. С. 71.
12. Пиньковецкая Ю.С. Малое предпринимательство в России: основные виды экономической деятельности. / Экономическая политика и управление экономическим развитием. 2015. С. 61.
13. Пиньковецкая Ю.С. Моделирование показателей деятельности малого и среднего предпринимательства в регионах с использованием функции плотности нормального распределения. // Проблемы развития территории. 2015. № 6 (80). С. 93-107.
14. Основы предпринимательской деятельности. Экономическая теория. Учеб. пособие. / Под ред. В.М.Власовой. – М.: ЮНИТИ, 2000.
15. Алуян В.С. Малый бизнес как фактор развития национальной экономики. // Научно-методический электронный журнал «Концепт». 2016. № 56. 0,4 п. л. С. 3. URL: <http://e-koncept.ru/2016/76066.htm>.
16. Кетько Н.В. Проблемы и перспективы развития современного малого бизнеса в России. // Российское предпринимательство. 2011. № 9. С. 23-28.
17. Юдин Н.С., Черкасов В.А. Анализ специфики развития малого предпринимательства в России в рамках разработки методологии оценки социально-экономической эффективности малых предприятий. // Социально-экономические явления и процессы. Т. 11, № 3, 2016. С. 123.
18. Александрин Ю.Н. Оценка качества бизнес-среды малого предпринимательства в регионе: институциональный и методический аспекты. // Экономика и управление. №4 (235). 2012. С. 47.
19. Индекс Херфиндаля-Хиршмана. – <http://www.grandars.ru/student/ekonomicheskaya-teoriya/indeks-herfindalya-hirshmana.html>
20. Межотраслевая конкуренция. – <https://laws.studio/ekonomicheskaya-teoriya-knigi/mejotraslevaya-konkuren-tsiya.html>
21. Норма прибыли. Финансовый анализ. – <http://1-fin.ru/?id=281&t=101>
22. Муаллиф ишланмалари.